

Оллоҳ учун ғазабланиш

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]

Акрам Ҳасан

Мухаррир: *Шокир Собир*

2013 - 1434

IslamHouse.com

الغضب لله

« باللغة الأوزبكية »

أكرم حسن

مراجعة: شاكر صابر

2013 - 1434

IslamHouse.com

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

الحمد لله رب العالمين، والعاقبة للمتقين، ولا عدوان إلا على الظالمين،
والصلاة والسلام على سيدنا محمد، وعلى آله وصحبه أجمعين، وبعد:

Аллоҳ учун ғазабланиш

عن عائشة رضي الله عنها أن قرئها أهمهم شأن المرأة المخزومية التي سرقت، فقالوا: من يكلم فيها رسول الله صلى الله عليه وسلم؟ فقالوا: ومن يجترئ عليه إلا أسامة حب رسول الله صلى الله عليه وسلم! فكلّمه أسامة، فقال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «أتشفع في حدّ من حدود الله؟!» ثم قام فاختطب، فقال: «أيها الناس إنما أهلك الذين قبلكم أنهم كانوا إذا سرق فيهم الشريف تركوه، وإذا سرق فيهم الضعيف أقاموا عليه الحد، وأيم الله لو أن فاطمة بنت محمد سرقت لقطعت يدها».

Оиша розияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Ўғирлик қилган Махзум қабиласига мансуб аёлнинг иши қурайшликларни ғамга солди. Қурайшликлар бу аёлнинг (қўлини кесмаслик) ҳақида Росулulloҳ билан ким гаплашади, - дедилар. Шунда улар: бунга фақат Росулulloҳга суюкли бўлган Усоманигина ҳадди сиғади, дедилар. Усома (бу аёлни жазоламаслик борасида) Росулulloҳ билан гаплашди. Росулulloҳ унга: Аллоҳнинг ҳудудиди (ҳукмида) орага тушасанми?! - деди. Сўнгра пайғамбаримиз ўрнидан турдилар-да, хутба қилиб шундай дедилар: «Эй инсонлар! Сизлардан илғари ўтганлар обрўли одамлар ўғрилик қилса, тек қўйиб, кучсизлар ўғрилик қилса, жазоларни ижро қилганлари учун ҳалок бўлишган. Аллоҳга қасамки, бордию, Муҳаммаднинг

қизи Фотима ўғрилиқ қилган бўлганда ҳам қўлини кесган бўлардим», дедилар. (Муслим ривояти).

Аввал ҳадис ровийси Ойша розияллоҳу анҳо билан танишамиз. Ойша розияллоҳу анҳо пайғамбаримизнинг суюкли аёли эдилар. Оталарининг исми Абу Бакр ибн Абу Қуҳафа Усмон ибн Омирдир. Онаси Умму Руммон бинти Уваймир ибн Абдушамс ибн Аттобдир. Умму Руммон жоҳилият даврида биринчи турмуш ўртоғи Ҳорис ибн Сухайр ал-Аздий вафот этгандан сўнг, Абу Бакр никоҳига ўтган. Абу Бакр даъвати билан исломни қабул қилган. Абу Бакр уммул муминин Ойша розияллоҳу анҳо билан Абдураҳмон ибн Абу Бакр номли ўғлини шу аёлидан кўрган. Умму Руммон ҳижратнинг олтинчи йили вафот этган.

Хадича розияллоҳу анҳо вафот этиб, Росулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Савда бинти Замъа розияллоҳу анҳога уйланганларидан сўнг, Ойша онамизни ўз никоҳларига олганлар. Росулulloҳ уйланган аёлларнинг Ойшадан бошқа ҳаммаси, аввал турмуш қурган эди, фақат Ойша онамиз бокира бўлганлар. Ойша Росулulloҳга аёллари ичида энг суюклиси эди. Саҳобалар: Ё Росулulloҳ, одамлар ичида кимни кўпроқ яхши кўрасиз? - деганларида, «Ойшани», - деб жавоб берганлар. Эракларданчи? - деб сўрашганида, «Отасини», - деган эканлар. Ойша розияллоҳу анҳо фикҳ, ҳадис ва тафсир илмини кенг эгаллаганлиги тарихда маълум ва машҳурдир. Ойша онамизни Росулulloҳ ҳаётлик даврида мунофиқлар томонидан қилинган тухматдан пок эканлиги Аллоҳ таоло томонидан тасдиқланган. Ва бу борада оятлар нозил қилинган. Саҳобалар бирор диний масалада ечим топа

олишмаса, Ойша розияллоҳу анҳога мурожаат қилишган. Айниқса, Росулulloҳнинг шахсий ҳаётига боғлиқ масалалар, Ойша онамиздан кўпроқ ўрганилган. Росулulloҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам Ойша онамизни ҳужрасида ва Ойша онамизнинг қўлида жон берганлар ва шу муборак ҳужрага дафн қилинганлар. Ойша онамиз Росулulloҳ билан саккиз йилу беш ой бирга яшаганлар. Росулulloҳ вафот этганларида Ойша онамиз 18 ёшда бўлган. Ойша онамизнинг фазилатларидан яна бири мўминларга берилган енгиллик, яъни, сув йўғида таяммум қилиш ояти, Ойша онамиз сабабли нозил бўлгандир. Ойша онамиз ҳижрий 57 санада рамазон ойининг ўн еттинчи кунда Мадина мунавварада отмиш олти ёшида вафот этган ва Бақеъ қабристонига дафн қилинган. Ойша онамиздан икки минг икки юз ўнта ҳадис ривоят қилинган. Бундан 316тасини имом Бухорий ва имом Муслим ўз саҳиҳ тўпламида келтирган.

Ойша розияллоҳу анҳо ривоят қилган ушбу ҳадисда, Аллоҳнинг дини поймол қилинаётганда сукут сақлаб турмасдан, норозилик билдириш ўз ифодасини топмоқда. Ҳадис китобларида «махзумия аёл қиссаси» деб машҳур бўлиб келаётган ушбу ҳадиснинг сабаби қуйидагича. Ўша даврда араблар орасида машҳур бўлган араб қабилаларидан бири Бани Махзум қабиласи бошқа қабилаларга қараганда анча обрўли ва ҳурматга сазовор қабила эди. Айти шу қабиладан бўлган бир аёл одамларнинг кундалик ҳаётда ишлатиб турадиган нарсаларини сўраб олар, қачонки, у эгалари ўз нарсаларини сўрасалар мен сизлардан ҳеч нарса олганим йўқ, деб тониб, туриб олар эди. Бу иш Росулulloҳга айтилганида, пайғамбаримиз у аёлнинг қўлини кесишга

буюрдилар. Чунки олган нарсани олмадим деб, инкор килиш ҳам ўғрилиқнинг бир туридан ҳисобланади. Ҳа, бу аёл Бани махзум қабиласидан эди. Арабларнинг энг шарафли, бообрў қабиласига мансуб бу аёлга нисбатан Росулulloҳнинг чиқарган ҳукми қурайшликларни ўйлантириб қўйди. Қурайшликлар маҳзумия аёлни қўли кесиладими? - деб, дарҳол ўзаро бу иш бўйича Росулulloҳ билан гаплашадиган воситачи ҳақида ўйланиб қолишди. Ҳаммалари бир овоздан Усома ибн Зайдни тилга олиб, фақат Усомагина Росулulloҳ билан бу ҳусусда гаплаша олади дейишди. Чунки барча саҳобалар Росулulloҳ Усомани қаттиқ яхши кўришини билар эди. Усома розияллоҳу анҳу Зайд бин Ҳорисанинг ўғлидир. Зайд розияллоҳу анҳу жоҳилиятда Ҳадича онамизнинг қули бўлган. Пайғамбаримиз хизматларини қилиб юрсин деб, Ҳадича онамиз уни Росулulloҳга ҳадия қилган эдилар. Пайғамбаримиз уни озод қилганлар ва ўша вақтда Зайдни ўзининг асранди ўғли эканини эълон қилганлар. Усома эса, Росулulloҳга суюқлик бўлган, исломни биринчилардан бўлиб қабул қилган шу саҳобийнинг ўғлидир. Пайғамбаримиз ота-болани жуда ҳам қаттиқ яхши кўрар эдилар. Буни билган қурайшликлар, Усомани бу ишда ёрдам беришга ундадилар. Усома розияллоҳу анҳу пайғамбаримиз олдиларига кириб, бу аёлга жазони ижро қилмаслигини сўраб, ўзини эса ўртада воситачи эканлигини билдирганда, пайғамбаримиз қаттиқ ғазабланиб, Аллоҳнинг худудида орага тушасанми?! - деб, Усомани бу ишдан қайтарганлар ва ўтирган ўринларидан туриб масжид минбарида шундай деганлар: *«Сизлардан илғари ўтганлар обрўли одамлар ўғрилиқ қилса тек қўйиб, кучсизлар ўғрилиқ қилса жазоларни ижро*

қилганлари учун халок бўлишган. Аллоҳга қасамки, агар Муҳаммаднинг қизи фотима ўғрилиқ қилса қўлини кесаман», - дедилар. Росулulloҳ Усома ибн Зайдни Аллоҳнинг худудида ўртада воситачилиқ қилганидан қаттиқ ғазабланганлар.

Демак, ғазаб Аллоҳ учун бўлса ижобий экан. Аммо ғазаб кибр ва ҳавои нафсдан келиб чиқадиган бўлса салбийдир. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда пайғамбаримиз олдиларига бир киши келиб: Ё Росулulloҳ, менга насиҳат қилинг, деганида, пайғамбаримиз: «*Ғазабланма*», - деганлар. Яна насиҳат қилишини сўраганида, «*Ғазабланма*», - деганлар. Яна насиҳат қилинг, - деганида, «*Ғазабланма*», - деганлар. Ғазабдан ғазабнинг фарқи бор экан. Агар инсон Аллоҳнинг дини пайғамбаримизнинг суннати учун куюниб-аччиқланса, шариати исломия оёқ ости қилинганда ғазабланса, буни ёмон жойи йўқ экан, балки, ўша инсоннинг Аллоҳга бўлган муҳаббатига, дини ислом учун жон куяр эканлигига далил экан. Бўлар-бўлмасга аччиқланавериш ҳадисларда мазаммат қилинган бўлиб, уни давоси ҳам ҳадисларда айтилган. Ғазаб келганда Аллоҳдан шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ сўраш, турган одам ўтириб олиши, ўтирган одам ётиб олиши ғазабни кетказишига ё енгиллатишига сабаб бўлиши ҳадисларда баён қилингандир.

Ҳадисдан олинадиган баъзи масалалар:

- 1- Бировнинг нарсасини олиб, бермай қўйиш ўғрилиқ саналади.

- 2- Шариат аҳкоми поймол қилинганда ғазабланиш мумкин.
- 3- Иш ҳоқимга кўтарилганда жазо татбиқ қилиниши шарт.
- 4- Ўғрилиқнинг жазоси қўл кесилишидир.
- 5- Ислонда ҳукм олдида ҳамма баробар.